На сегодняшний день вопросы квалификации умышленных убийств, совершаемых по найму, вызывают определенные трудности в правоприменительной практике. Уголовный кодекс Республики Узбекистан предусматривает уголовную ответственность за умышленное убийство из корыстных побуждений (пункт «и» части второй статьи 97) [2]. При этом судебная практика рассматривает умышленное убийство по найму в контексте умышленного убийства из корыстных побуждений. Пункт 14 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам об умышленном убийстве» разъясняет, что как совершенное из корыстных побуждений (по пункту «и» части второй статьи 97 УК) следует квалифицировать умышленное убийство,

совершенное в целях получения материальной выгоды для виновного или других лиц (денег, имущества или прав на его получение, прав на жилплощадь и т.п.), или избавиться от материальных затрат (возврата имущества, долга, оплаты услуг, выполнения имущественных обязательств, уплаты алиментов и др.) [4].

Следует отметить, что вопрос соотношения умышленного убийства из корыстных побуждений и умышленного убийства по найму вызывает острые дискуссии в научных кругах. В теории уголовного права ученые разносторонне подходят к данному вопросу. Условно их можно подразделить на три группы.

К первой группе ученых можно отнести таких ученых, как М.Х.Рустамбаев, А.С.Якубов, В.И.Борисов, А.В.Наумов, А.Н.Попов и др. Указанные авторы допускают возможность признания убийства совершенным по найму, а равно из корыстных побуждений в случаях, когда убийство обуславливалось не только материальным, но и иным вознаграждением, например, обещанием устроить исполнителя убийства на учебу в институт и т.п. В свою очередь, указывается, что корыстная цель лежит в основе указанных двух видов преступлений [9]. Тем самым они придерживаются мнения, что не следует различать умышленные убийства из корыстных побуждений и умышленные убийства, совершенные по найму.

Вторая группа ученых (А.В.Ежков, В.М.Геворгян, В.Н.Антонов) относят к умышленному убийству из корыстных побуждений только те случаи, когда убийство совершается за материальное вознаграждение. Они отмечают, что определяющей особенностью убийств по найму является субъектный состав преступления [6]. Наниматель и исполнитель преступления составляют минимально возможную совокупность соучастников. При этом, для квалификации деяния как умышленного убийства по найму достаточно наличие корыстного мотива только у исполнителя, который будет заключаться в стремлении получить вознаграждение. Гишкин А.В. отмечает, что умышленные убийства по найму не во всех случаях могут совершаться только из-за материального вознаграждения [8]. Следовательно, вторая группа авторов считает в качестве умышленного убийства из корыстных побуждений совершение убийства за материальное вознаграждение, а в качестве умышленного убийства по найму – совершение преступления за иное вознаграждение, не всегда связанное с деньгами.

Третья группа ученых (С.В.Бородин, В.А.Красавцев, Н.И.Загородников) относят к убийствам по найму все случаи, когда убийство было совершено по инициативе другого человека и обуславливалось хоть какой-либо «платой», например, моральной благодарностью заказчика, половой близостью с ним и т.д. Нафиев С.Л. считает, что «действительно, в ряде случаев в данном составе убийства с помощью привлеченного лица может быть не связано с корыстью. Такие убийства могут совершаться и без ориентации на получение материальной выгоды (например, служащий частной охранной структуры выполняет «приказ» шефа об устранении несговорчивого конкурента, не получая за это материального вознаграждения, а руководствуясь только своеобразным пониманием «служебного долга» или мотивами солидарности) [7]. Указанные авторы основной отличительной чертой приводят на совершение преступления другим лицом.

На наш взгляд, ставить знак равенства между умышленными убийствами из корыстных побуждений и умышленными убийствами по найму является нецелесообразным и не совсем верным в силу следующих причин:

Во-первых, умышленное убийство при квалифицирующих обстоятельствах предусматривается в части второй статьи 97 УК Республики Узбекистан. В юридической науке принято классифицировать эти обстоятельства на группы. Например, С.В.Бородин предлагает использовать в качестве критерия деления элементы состава преступления и таким образом выделять субъективные и объективные обстоятельства [5]. В соответствии с такой градацией убийство из корыстных побуждений следует относить к убийствам с субъективными квалифицирующими обстоятельствами. И действительно, именно субъективная сторона будет выступать определяющим фактором для квалификации убийства, как совершенного из корыстных побуждений. Однако утверждать, что убийство по найму раскрывается только субъективными отягчающими обстоятельствами нельзя. Большое значение имеют также объективные признаки. Объективная сторона умышленного убийства по найму является столь же необходимым моментом для квалификации убийства как совершенного по найму, как субъективная сторона и субъект преступления.

Во-вторых, представляется неверным отождествление совершения умышленного убийства по найму с обусловленностью его каким-либо вознаграждением. Главным признаком такого убийства, по нашему мнению, является то, что исполнитель действует не по собственной инициативе, а

интересах заказчика. Следует особо подчеркнуть, что инициатива и интерес все-таки являются разными понятиями. В классическом виде умышленное убийство из корыстных побуждений совершается виновным лицом по собственной инициативе и в своих интересах (наследник убивает других наследников для приращения своей наследственной доли).

В-третьих, умышленное убийство по найму отличается от умышленного убийства из корыстных побуждений субъектным составом. Традиционно умышленное убийство по найму предполагает наличие двух участников – организатора и исполнителя. При этом корыстная цель, хотя и во многих случаях присутствует у исполнителя, но может отсутствовать у организатора. Мотивы и цели организатора могут быть разными. В частности, Пленум Верховного суда Республики Узбекистан разъясняет, что действия организатора (заказчика) убийства, предлагавшего вознаграждение, следует квалифицировать по статье 28 и соответствующей части статьи 97 УК, исходя из мотивов, которыми он руководствовался. В этом случае, например, действия лица, «заказавшего» умышленное убийство по найму из-за мести будет квалифицироваться по статье 28 и части первой статьи 97 УК Республики Узбекистан, что определенным образом противоречит принципу справедливости, так как общественная опасность действия заказчика также высока, как общественная опасность действия исполнителя. Само по себе «заказ» умышленного убийства по найму свидетельствуют о направленности умысла на лишение жизни другого человека более действенным способом или в целях сокрытия преступления (так как во многих случаях исполнители имеют «опыт» скрытого совершения такого преступления).

Исходя из вышеизложенного, считаем необходимым установить в УК Республики Узбекистан отдельную ответственность за умышленное убийство по найму. В этих целях представляется целесообразным пункт «и» части второй статьи 97 УК Республики Узбекистан изложить как «из корыстных побуждений **или по найму**». В свою очередь, в части второй пункта 14 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам об умышленном убийстве» следует указать, что действия организатора (заказчика) убийства, предлагавшего вознаграждение, следует квалифицировать по статье 28 и **пункту «и» части второй** статьи 97 УК Республики Узбекистан.

Список использованной литературы:

1. Конституция Республики Узбекистан (Газета «Народное слово» от 15.12.1992 г., № 247 (438); 2017 г., № 14, ст. 213, № 22, ст. 406, № 35, ст. 914)
2. Уголовный кодекс Республики Узбекистан (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995 г., № 1; Национальная база данных законодательства, 10.01.2018 г., № 03/18/459/0536, 05.04.2018 г., № 03/18/470/1005, 19.04.2018 г., № 03/18/476/1087).
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70, № 20, ст. 354, № 23, ст. 448, № 29, ст. 683, ст. 685, № 34, ст. 874, № 37, ст. 982; Национальная база данных законодательства, 16.10.2017 г., № 06/17/5204/0114).
4. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24 сентября 2004 года № 13 «О судебной практике по делам об умышленном убийстве».
5. Бородин С.В. Преступления против жизни. – СПб.: Юридический центр «Пресс», 2003. – 467 с.
6. Геворгян М.В. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика убийства по найму. Диссертация ... кандидата юридических наук. – М., 2008. – 202 с.
7. Нафиев С.Л. Корыстное убийство: понятие, виды, квалификация (уголовно-правовые и криминологические аспекты). – Ч.: 1999. – 200 с.
8. Тишкин А. В. Убийство по найму: значение корыстного мотива при квалификации преступления. Проблема соотношения убийства по найму с корыстными преступлениями // Молодой ученый. – 2013. – №5. – С.554–556.
9. Якубов А.С. и др. Уголовное право. Общая часть. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2004. – 435 с.
10. www.deloru.ru
11. www.rbc.ru

**ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШ
(тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари)**

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасида назарда тутилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноий жавобгарлик белгиланишининг зарурати хусусида мулоҳазалар билдирилган. Бунда чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига киришининг қонуний тартиблари, уларни бузиш оқибатлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш, Давлат чегараси, чегарадан ўтиш, давлат чегарасининг дахлсизлиги, чегара хавфсизлиги, давлатнинг чегара хизмати, божхона.

Аннотация: в данной статье автором рассмотрена общественная опасность незаконного выезда за границу или незаконного въезда в Республику Узбекистан, а также необходимость установления уголовной ответственности за неё, проведён анализ последствий за нарушение правил.

Ключевые слова: выезд за границу, въезд в Республику Узбекистан, государственная граница, переход границу, неприкосновенность государственной границы, безопасность границы, государственная служба границы, таможня.

Annotation: this article analyzes the social danger and the necessity for establishing liability for illegal crossing the border or illegal entry to the Republic of Uzbekistan. Besides that, the legal order for going abroad and entry to the Republic of Uzbekistan and the consequences of breaking this order are also discussed in the paper.

Keywords: travel abroad, entry to the Republic of Uzbekistan, state border, cross the border, inviolability of state border, border security, state border service, Customs.

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш ҳар бир давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Маълумки, мамлакатимизда фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари конституциявий норма даражасида мустаҳкамланган бўлиб, Конституциянинг 28-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш давомида мазкур қонун ҳужжатларида белгиланган тартибни бузиш Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини юзага келтиради. Албатта, бундай ҳолатда шахснинг қилмишига тўғри баҳо бериш, унинг содир этган қилмиши туфайли зарар етказилган ёки шундай зарар етказишнинг реал хавфи юзага келган ижтимоий муносабатлар доирасини аниқлаш, бошқача айтганда, қилмишни тўғри квалификация қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Жиноят ҳуқуқида қилмишни тўғри квалификация қилишда эса ҳар қандай жиноятнинг, аввало, моҳиятини, тушунчасини тўғри англаб олиш, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолаш талаб этилади.

Жиноят ҳуқуқи фанида ҳозирги даврда давлатнинг чегарадаги хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий масалаларини юксак илмий даражада тадқиқ этишга бағишланган ишлар сони, афсуски, кўп эмас.

Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш, энг аввало, чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига киришнинг қонунда белгиланган тартибини бузади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (куруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизикдан ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат. Давлат чегараси давлат суверенитети амал қиладиган ҳудуд доирасини белгилайди. Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатларни жиноят-ҳуқуқий қўриқлашдан мақсад фуқароларнинг кўчиб юриш эркинлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишларини тартибга солиш ва етарли шароитлар яратишдан иборат. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи давлат ва жамият суверенитети ҳамда хавфсизлигини таъминлаш учун республикадан чиқиш ва унга кириш, давлат чегараларидан ўтиш тартибини белгилаб

берган. Шундан келиб чиқиб, Давлат чегарасига тажовуз қилиш – бу, аввало, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг бир меъёрадаги тартибига тажовуз қилиш деб топилади.

Бизнинг фикримизча, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шу билан белгиланадики, у қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган Давлат чегараси режимини бузишга қаратилади.

Давлат чегараси – бу давлатлар ҳудудини бир-биридан ажратиб турувчи, ер ва сув устидан ўтувчи чизиклардир [1]. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (курукликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизикдан ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат [2]. М.Х.Рустамбаевнинг таъбири билан айтганда, “Давлат чегараси давлат суверенитети амал қиладиган ҳудуд доирасини белгилайди” [3].

Давлат чегаралари муайян давлатнинг ҳудудлари низоҳасини аниқ, белгилаб беради. Давлат чегаралари дахлсиз ва уларнинг бузилиши давлат суверенитетининг бузилиши ҳисобланади [4]. Ҳар бир давлат ўз чегаралари хавфсизлиги ва бузилмаслигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ҳуқуқига эга. Давлат чегарасида қонун орқали давлат томонидан ўрнатилувчи ёки чегарадош давлат билан келишган ҳолда ўрнатилувчи махсус чегара тартиби мавжуд. Қўшни давлатлар билан чегаралар шартнома ва қонун асосида белгиланади.

Ўтиш жойига кўра чегаралар қуруклик, сув (денгиз, дарё, кўл), ҳаво, қуруклик ва сув ости чегараларига бўлинади. Ўзбекистон Республикаси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан қурукликда, Афғонистон билан сувда (Амударё орқали) чегарадош. Давлат чегаралари давлатнинг қурукликдаги ва сув ҳудудидаги, ҳаво кенгликларидagi ва ер остидаги суверенитетининг чегарасини белгилайди.

Давлат чегаралари қурукликдаги, дарё ва кўллардаги ҳамда денгиздаги чегараларга бўлинади. Қурукликдаги чегаралар деганда, жой рельефидаги ўзига хос нуқталар (масалан, тоғ чўққилари) ёки жўғрофий координаталарнинг муайян нуқталари орқали, шунингдек параллеллар ва меридианлар орқали ўтадиган чизиклар тушунилади. Дарёдаги давлат чегаралари дарёлар бўйича ўтади, бунда агар халқаро шартномаларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, кўпинча кема қатнайдиغان дарёлардан – асосий фарватернинг ўртасидан ёки дарёнинг тальвегасидан (энг чуқур жойлари чизигидан), кемалар қатнамайдиغان дарёлар (сойлар)да эса уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ирмоғи ўртасидан ўтувчи чизик чегара ҳисобланади. Кўлларда ва бошқа сув ҳавзаларида Давлат чегаралари кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиқадиган жойларини туташтирувчи тўғри чизик орқали ўтади. Баъзан агар кўл чўзиқ шаклга эга бўлиб, қарама-қарши қирғоқлари қўшни давлатларга тегишли бўлса, бу чегара медиана бўйича ўтказилиши мумкин.

Давлат чегараси режими Давлат чегарасини жиҳозлаш ва уни асраш устидан назорат қилиш, Давлат чегарасининг шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтилиши, Давлат чегараси орқали товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш, Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш, Давлат чегарасида ёки унинг яқинида хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият юритиш тартибини белгиловчи қоидалар мажмуидан иборат.

Давлат чегараси режими Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни билан, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун – амалдаги паспорт (дипломатик паспорт), паспортнинг амал қилиш муддати чет элда ўтган, у яроқсиз бўлиб қолган ёки йўқотилган, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилиш санаси ўзгарган) ҳолларда – Ўзбекистон Республикасига қайтиш сертификати ва фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби V бўлимида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – амалдаги миллий паспорт (дипломатик паспорт), шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, Ўзбекистон Республикасига кириш учун (кириш, транзит) виза ва чет эл фуқаролари кириш-чиқиш Тартиби II бўлимида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун – амалдаги паспорт (дипломатик паспорт), унда чет элга чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикери (бундан буён – стикер) мавжудлиги, чет эл давлатига кириш визаси (кириш учун кириш визаси расмийлаштирилиши талаб этилмайди) МДХ

мамлакатлари бундан мустасно), амалдаги йўл ҳужжати (чипта), божхона органи мансабдор шахси белгиси қўйилган божхона декларацияси ва фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби I, II бўлимларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – амалдаги миллий паспорт (дипломатик паспорт), шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, Ўзбекистон Республикасига кириш-чиқиш учун виза, амалдаги йўл ҳужжати (чипта), божхона органи мансабдор шахси белгиси қўйилган божхона декларацияси ва чет эл фуқаролари кириш-чиқиш Тартиби I, III бўлимларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари Тартибининг 19, 20-бандларида Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан кетиш ҳуқуқидаги чеклашлар белгиланган.

Чунончи, хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасига келиши қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

а) миллий хавфсизлик ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йўлида;

б) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса;

в) агар шахс Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини бузганлик учун илгари жиноий жавобгарликка тортилган ва ундан судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса;

г) агар шахс чет эл террорчи, экстремист ва бошқа жиноий ташкилотларнинг фаолиятига алоқадор бўлса;

д) агар шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса ёки зарур ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

е) агар шахс илгари хорижий шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келиш-кетиш тартибини ҳамда бу ерда бўлиш қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг божхона, валюта ва бошқа қонунчилигини бузганлиги аниқланган бўлса;

ж) агар шахс касал бўлса ёки унинг саломатлиги жамият хавфсизлиги ва соғломлигига хавф туғдирса ҳамда ушбу касаллик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган бўлса.

Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан кетишига қуйидаги ҳолларда руҳсат берилмайди:

а) агар унинг кетиши давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига зид бўлса – кетишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг амал қилиш муддати тугагунгача;

б) агар шахсга нисбатан унинг доимий яшаш учун чет элга кетишига тўсқинлик қилувчи шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса – ушбу мажбуриятлар тўхтатилгунга қадар;

в) агар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса – иш охирига етказилгунга қадар ёки унинг юзасидан суд қарори қабул қилингунга қадар;

г) агар шахс жиноят содир этганлиги учун жазога ҳукм қилинган бўлса – жазони ўтаб бўлгунгача ёки жазодан озод этилмагунгача;

д) агар шахс унга суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортаётган бўлса – мажбуриятларни тўлиқ бажариб бўлгунга қадар;

е) агар шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса;

ж) агар судда шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси қўзғатилган бўлса – суд томонидан қарор қабул қилиниб ва у ижро этилгунга қадар.

Л.Л.Кругликов [6] қайд этиб ўтганидек, чегаранинг мавжудлиги давлатнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади ва давлат ҳудудга эга эканлигидан, у мазкур ҳудуд устидан ўз суверенитетини амалга оширишидан далолат беради, чегаранинг дахлсизлиги эса мамлакат ҳудудий яхлитлиги ва ташқи хавфсизлигининг шартларидан бири ҳисобланади. Чегара дахлсизлигининг бузилиши аксарият ҳолларда жосуслик, терроризм, қурол-яроғ ва гиёҳхандлик воситалари контрабандаси сингари бошқа хавфли жиноятларнинг содир этилиши билан боғлиқ бўлади.

ЖК 223-моддасининг амалдаги таҳририда қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш тушунчасига таъриф берилмаган. Унда баён этилган диспозиция бланкет диспозиция ҳисобланиб, жиноят таркибини тўғри аниқлаш учун бошқа қонун ҳужжатларига мурожаат қилинади, яъни айнан қайси қонун ҳужжатида белгиланган қоида бузилганлиги аниқланиши лозим.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарориди ҳам шундай тушунтириш берилди: “Жиноят кодексининг 223-моддаси диспозицияси бланкет норма бўлганлиги туфайли шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда дастлабки тергов органлари шахс томонидан чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш тартибини белгиловчи айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаби бузилганлигини аниқ кўрсатишлари шарт. Суд ҳукмида ҳам мазкур жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахснинг ҳаракатларида ЖК 223-моддасида назарда тутилган белгилардан қайси бири мавжудлиги аниқ кўрсатилиши лозим” [7].

Дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК 419-моддаси) талабларига риоя этилмалиги иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилинишига ва ишнинг қўшимча тергов юритиш учун қайтарилишига сабаб бўлади.

Жиноят қонунида белгиланган нормаларни тўғри қўллашда юқорида таъкидлаганимиздек, жиноятнинг асл моҳиятини тўғри тушуниш, унинг тушунчасини тўғри англаш муҳим ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам, бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг юқорида кайд этилган Пленуми қарориди ушбу масала акс эттирилиши мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан қараган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 12-бандини қуйидаги таҳрирдаги биринчи хатбоши билан тўлдириш таклиф қилинади:

“Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш деганда, белгиланган қоидаларни бузиб чегарадан ўтиш, ўтказиш пунктларидан бошқа жойда ёки мазкур пунктлар орқали, бироқ сохта ёки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб, ҳар қандай усулда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқиш, шунингдек қонунга хилоф равишда чегарани кесиб ўтиш тушунилади”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул: Муҳитдинов Р.А. ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Тойчиев Н. – Тошкент: Адолат, 2011. – Б.114.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1999. – № 9. 271-модда.
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т.4. Махсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: Илм Зиё, 2011. – Б. 309.
4. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. / Б.Мустафоев ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Мустафоев Б. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б.136.
5. Уголовное право России. Часть Особенная. Учебник. / Под ред. Кругликова Л.Л. – М., 2005. – С.779.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // www.lex.uz

ПОСТ-ПЕНИТЕНЦИАР АДАПТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада муаллиф томонидан жазони ижро этиши муассасаларидан озод этилган шахсларнинг пост-пенитенциар адаптацияси билан боғлиқ масалалар, пост-пенитенциар адаптация тушунчаси, унинг ҳуқуқий асослари ва аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириши юзасидан айрим таклифлар келтирилган.

Калим сўзлар: жазони ижро этиши муассасаси, ижтимоий мослашув, пост-пенитенциар адаптация, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, рецидив жиноятчилик, жазо ўтаб чиққан шахс, жамоатчилик назорати.

Аннотация: в данной статье автором проводится анализ вопросов пост-пенитенциарной адаптации лиц, освобожденных от отбывания наказания в местах лишения свободы, понятие пост-пенитенциарной адаптации, её правовые основы и значение. Также приведены предложения по совершенствованию законодательных актов, регулирующих данную сферу.

Ключевые слова: учреждения по исполнению наказаний, социальная адаптация, пост-пенитенциарная адаптация, профилактика правонарушений, рецидивная преступность, лицо, отбывшее наказание, общественный контроль.

Annotation: in this article the author conducted the issues of the post-penitentiary adaptation of persons who released from serving their sentences in places of deprivation of liberty, the concept of the post-penitentiary adaptation, its legal bases and significance. As well as, offers on improvement of the acts regulating this sphere are provided.

Keywords: places of deprivation of liberty, social adaptation, the post-penitentiary adaptation, prevention of offenses, recidivism, sentenced person, public control.

Ҳозирда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш муаммоларини ҳал этишда қонун устуворлигини таъминлаш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналишида қонун устуворлигини таъминлаш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган бўлиб, унинг 2.4-банди жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга бағишланади [1]. Зеро, собиқ маҳкумларнинг пост-пенитенциар адаптациясини самарали йўлга қўйиш жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, 2018 йил 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–3723-сонли қарорига мувофиқ, Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди ва унинг асосий вазифаларидан бири сифатида давлат ва жамият манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш назарда тутилди [2].

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва улар устидан назорат қилишни ташкиллаштиришнинг аҳамиятлилиги қатор халқаро ҳужжатларда, хусусан, 1955 йил 30 августдаги Маҳбуслар билан муомала қилишнинг Минимал стандартларида ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 14 декабрдаги “Маҳбуслар билан муомала қилишнинг асосий принциплари” номли Резолюциясида ўз аксини топган.

Ҳозирги кунда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг пост-пенитенциар адаптацияси билан боғлиқ масалалар кўпчиликлари эътиборини тортиб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири – собиқ маҳкумлар ўртасидаги рецидив жиноятчиликнинг кўрсаткичлари билан боғлиқ. 2016 йилда жаҳонда 11 млн.га яқин шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганлиги, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 20 фоизга ошганлиги,

сўнгги пайтда жаҳоннинг йирик давлатларида рецидив жиноятчиликнинг 50 фоизни ташкил этаётганлиги [3] ҳақидаги далиллар жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ислоҳ қилиш, маҳкумлар ёки жазони ўтаб чиққан шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олишда янги чоралари ва янада самарали механизмни ишлаб чиқиш, бу соҳада профилактик чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этгандан сўнг унинг қилмишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига тегишли модда билан тўғри ва аниқ квалификация қилиш учун жиноят ҳуқуқига юзланилади, ундан сўнг ушбу ижтимоий хавфли қилмишни айнан ушбу шахс томонидан содир этилганини ёки у томонидан содир этилмаганини исботлаш мақсадида жиноят-процессуал ҳуқуқда келтирилган нормаларга риоя қилинади. Шахснинг айби исботлангандан сўнг унга тегишли жазо тури, масалан, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, мазкур жазони ижро этишда жиноят-ижроия ҳуқуқи ўзининг муҳим ролини ўйнайди. Ушбу барча босқичлардан сўнг шахс жазони ижро этиш муассасасидан жазони ўтаб чиқади ва айнан шу ҳолатдан бошлаб бизни ўйлантирган муаммолар юзага келади.

Умуман олганда, ҳар қандай муаммони ечишдан олдин уни аниқ белгилаб олиш керак. Шахс жазони ижро этиш муассасасидан чиққанидан сўнг объектив ва субъектив сабабларга кўра жамиятдан ажралиб қолади. Кўпинча уларнинг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек касб-кори, маълумоти ҳам бўлмайди, қариндошлар ва яқинлар билан алоқалар узилган бўлади. Бунинг устига собиқ маҳкумларнинг руҳий ҳолати тургун бўлмаслиги, шунингдек жамиятнинг уларга нисбатан салбий муносабати вазиятни янада чигаллаштиради. Албатта, бундай сабаб ва шарт-шароитлар натижасида собиқ маҳкумлар томонидан кўпинча қайта жиноят содир этилади.

“Пост-пенитенциар адаптация” тушунчаси Ўзбекистон қонунчилигида ҳаттоки ҳуқуқий адабиётларда ва дарсликларда ҳам кўзга ташланмайди. Тўғри, ижтимоий мослашув тушунчаси қонунчиликда ва ҳуқуқий адабиётларда мавжуд бўлсада, пост-пенитенциар адаптация тушунчаси унинг бир қисмини ташкил этади, холос. Ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, вазифалари ва мезонлари қисман турличадир. Бизнинг фикримизча, пост-пенитенциар адаптация тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *Пост-пенитенциар адаптация – ижтимоий адаптациянинг махсус йўналиши бўлиб, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий-психологик жиҳатларидан иборат комплекс чора-тадбирлардир.*

Ҳар бир тушунчанинг аҳамиятини очиб бериш учун, аввало, унинг мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, пост-пенитенциар адаптациянинг асосий мақсадлари:

собиқ маҳкумларнинг ижтимоий мослашуви;

собиқ маҳкумларни ижтимоий фойдали фаолиятга йўналтириш;

рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш ва бошқалар.

Албатта, ушбу мақсадларга эришиш учун тегишли вазифаларни аниқлаб олиш зарур. Пост-пенитенциар адаптациянинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

маҳкумлар билан жазони ижро этиш даври мобайнида тарбиявий ишларни олиб бориш;

ижтимоий мослашув билан боғлиқ чора-тадбирларни уларнинг озодликка чиқишларидан олдин бошлаш;

янги ҳаётларини бошлаш учун моддий жиҳатдан уларни қўллаб-қувватлаш;

психологик ёрдам қилиш;

юримдик ёрдамни ташкил қилиш;

қонунга итоаткор хулқ-атворни шакллантириш;

уларни қайта ўқитиш ва қайта тарбиялаш;

яшаш жойи билан таъминлашда ёрдам бериш;

иш билан таъминлаш ва бошқалар.

Пост-пенитенциар адаптациянинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар бир неча ҳуқуқ тармоқлари томонидан комплекс тарзда тартибга солинади. Хусусан, жиноят-ижроия ҳуқуқи, прокурор назорати, криминология ва бошқалар.

Собиқ маҳкумларнинг ижтимоий мослашувини муваффақиятли амалга ошириш учун, аввало, ишни уларнинг жазо ўтаётган даврдан бошлаш керак деб ўйлаймиз. Ушбу муддат давомида уларни ахлоқан тузатиш асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланиши лозим. Зеро, Жиноят-ижроия кодексига белгиланганидек, маҳкумни ахлоқан тузатиш – унда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборат.

Пенитенциар ҳуқуқ назариясида ахлоқ тузатиш атамаси билан бир қаторда баъзан қайта ижтимоийлашув атамаси ҳам қўлланилади. Бу тушунчалар асосан бир хил маънони аниқлашганлиги боис М.Рибакнинг тадқиқоти алоҳида диққатга сазовор. У маҳкумларнинг қайта ижтимоийлашуви деганда, жиноятчини қонунга итоаткор инсон (фуқаро)га айлантиришга қаратилган изчил жараёни тушунади [4]. В.Суровцевнинг фикрича, қайта ижтимоийлашув жамиятдан узоқлашган шахс томонидан ижтимоий ҳаёт тажрибасини, ижтимоий мақбул билимлар тизимини ўзлаштириш натижасидир [5].

Хусусан, пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси билан боғлиқ масалалар Н.С.Салаевнинг “Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш” мавзусида ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида ҳам батафсил ёритилган. Унинг фикрича, жиноят содир этган шахсларга ижтимоий-психологик чораларни қўллашнинг тарбиявий-огоҳлантирувчи таъсир кўрсатишни таъминлаш механизмидаги ўрни ва роли муҳимдир. Шунга асосан ижтимоий-психологик ва педагогик хусусиятга эга бўлган чораларни ахлоқ тузатувчи таъсир кўрсатиш воситалари деб ҳисоблаш ва уларни жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида шундай воситалар сифатида мустаҳкамлаш учун барча асослар мавжуд ва ҳар бир пенитенциар муассасада психологик ёрдам хонаси ташкил этилса, қўрилган натижага эришиш осонроқ кечар эди деган фикрни асослаган.

Шунингдек, олимнинг фикрича, Жиноят-ижроия кодексида пенитенциар тизим фаолиятида жамоат ташкилотларининг иштирок этиши масаласига аниқлик киритилиши, мазкур фаолиятнинг асосий йўналишлари мустаҳкамланиши лозимлигини таъкидлаган. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 87%и бу тизимда жамоатчилик назорати етарли даражада эмаслигини кайд этган. Шу сабабдан ҳар бир жазони ижро этиш муассасасида васийлик ва жамоатчилик кенгаши ҳамда касаба уюшмалари, тарбия колонияларида маҳкумларнинг ота-оналари қўмитасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги белгиланган [6].

Пост-пенитенциар адаптация жиноят-ижроия ҳуқуқининг мустақил институтларидан бири ҳисоблансада, қонунчилигимизда айнан шу ижтимоий муносабатларга оид алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Шунинг учун мазкур ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг бир неча қонунлари ва қонуности ҳужжатлари томонидан тартибга солинади. Улардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шартлари ва бошқалар ҳақида”ги Қонуни ва бошқалар.

Демак, юқоридагиларга асосланиб қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқий адабиётларга “пост-пенитенциар адаптация” тушунчасини киритиш лозим. Зеро, ҳар қандай ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан олдин уни назарий асоси ишлаб чиқиши зарур;

иккинчидан, пост-пенитенциар адаптация борасидаги ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва унинг асосий жиҳатларини миллий менталитетимиздан келиб чиқиб амалиётга татбиқ этиш лозим;

учинчидан, маҳкумларнинг пост-пенитенциар адаптацияси билан шуғулланувчи алоҳида давлат ва нодавлат ношижорат ташкилотларнинг ташкил этилиши ва улар томонидан ижтимоий мослашув билан боғлиқ бўлган дастурларни амалга оширилиши маҳкумларнинг озодликка чиқишларидан олдин бошланиши лозим. Хусусан, ярим йилдан бир йилгача жазо ўташ муддати қолган маҳкумлар учун мўлжалланган махсус дастурлар маҳкумларнинг келажакдаги пост-пенитенциар адаптациясига ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур дастурлар давомида маҳкумларга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими берилади ва улар касбга ўргатилади;

тўртинчидан, пост-пенитенциар адаптация борасида қонунчилигимиз тарқок ҳолда бўлиб, ушбу ҳуқуқий муносабатларни аниқ тартибга солиш алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Ваҳоланки, бир қанча чет давлатларида, масалан, Озарбайжонда 2007 йил “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви тўғрисида” Қонун қабул қилинган [7]. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси “Пост-пенитенциар адаптация тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Ушбу Қонунда собиқ маҳкумларнинг ижтимоий мослашуви борасидаги аниқ тизим белгилаб берилиши, пост-пенитенциар адаптация фаолиятини амалга оширишга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг аниқ рўйхати келтирилиши, шунингдек уларнинг ваколат ва вазифалари аниқ кўрсатиб ўтилиши собиқ маҳкумларнинг муваффақиятли пост-пенитенциар адаптация бўлишига хизмат қилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши собиқ маҳкумларнинг қонунга итоаткор фуқаролар сифатида жамиятга қайтарилишга хизмат қилади. Агар уларнинг ўз касб-кори, мавқеига эга бўлиши учун ҳар томонлама ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилса, улар томонидан яна жиноят содир этилиши, яъни рецидивизм кўрсаткичи кескин камайишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. 70-модда; – № 20. 354-модда; – № 23. 448-модда; – №37. 982-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини гўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ПҚ-3723-сон (қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон).
3. www.unodc.org, www.i-pso.ru, www.prisonstudies.org.
4. Рыбак М.С. Ресоциализация осужденных к лишению свободы: проблемы теории и практики. Автореф. дисс ... док-ра юрид. наук. – Саратов. 2001. – С.18.
5. Суровцев В.А. Организация управления исправительным процессом в центре психолого-педагогической и социальной работы с осужденными: автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Рязань, 2002. – С.27.
6. Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: юридик фанлар доктори (doctor of science) диссертацияси автореферати – Тошкент, 2017. – Б.16.
7. <https://base.spininform.ru>.